Стратегик ва минтақалараро ... КУТУБХОНАСИ ... тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 46 (9.238) 1999 йил 23 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

**Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Ёнг Хани қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга кеча Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Баскар Кумар Митра, Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Рони Ҳидоят Гастина, Сингапур Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Сим Чеок Лим, Чад Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдул Жибрин ишонч ёрлиқларини топширишди.

◆ Мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Самарқандга зиёрат билан боргач ўзининг расмий ташрифини ниҳоясига етказди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ўзининг миннатдорчилик ва дил сўзларини изҳор этиб мактуб йўллади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президентимиз Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасини тўлалигича «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номи билан ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада нашрдан чиқарди.

◆ Нукусда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессиясида, вилоятлар кенгашининг сессияларида ва фаоллар йиғилишларида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар муҳокама этилди.

◆ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё: энергетика соҳасида ҳамкорлик» мавзуида халқаро конференция бошланди.

◆ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳузуридаги «Маҳалла зиёси» республика маҳалла оқсоқолларини ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув-услубий Марказининг машғулотлари бошланди.

◆ Жаҳон туризм ташкилоти Европа комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган 34-сайёр сессияси иштирокчилари Хоразм вилоятида бўлдилар. Шу ерда сессия кеча ўз ишини якунлади.

◆ Урганч аэропортини таъмирлашнинг иккинчи навбати бошланди. Англия, Япония ва Туркия тармоқ мутахассисларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан 10 миллион долларлик лойиҳа тайёрланди.

◆ Жиззахда Аёллар йилига бағишланган соғлиқни сақлаш ходимларининг биринчи республика аёллар спартакиадаси ўтказилди.

◆ Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театрида «Тоға-жиянлар» спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди.

◆ **Бугун** Киночилар уйида «Ўзбектелефильм» ижодкорлари яратган «Афсонавий шаҳарда» ва «Ёмғирли оқшом» қисқа метражли бадиий фильмларининг тақдимоти ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

◆ Токиода «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси идорасининг расмий очилиш маросими ўтказилди.

◆ Миср радиоси орқали Ўзбекистонга бағишланган иккита радиоэшиттириш тақдим этилди.

◆ Катар Давлатининг Амири расмий ташриф билан Қозоғистонга келади.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан 28-29 апрелда ташриф билан Москвага келади.

◆ Гельмут Коль АҚШнинг олий фуқаролик мукофоти — Озодлик медали билан тақдирланди.

◆ 20 апрелга ўтар кечаси Япониянинг жанубий ороли — Окинава яқинида АҚШ денгиз пиёда қўшинларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради.

◆ Хитойнинг Сичуанъ вилояти ўрмонларидаги кучли ёнғин бутунлай ўчирилди. Бу офат натижасида 100 гектардан кўпроқ ҳудуд ёниб кетди.

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



## ЭЪТИРОФ

***Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар тобора чуқурлашмоқда.***

Бу борада таълим муассасаларида ўқитиладиган дарсликларни қайтадан кўриб чиқиш, уларда миллийликни акс эттириш, биз яшаб турган тупроқда етишиб чиққан буюк инсонлар, алломалар асарларидан ёш авлодга етказиш иши асосий эътиборда турибди. Эндиликда фарзандларимиз табиий фанлар бўйича мактаб синфхоналарида Ал-Хоразмий, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Ал-Форобий, Беруний каби олимларимиз асарларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Бунга мисол тариқасида ўрта мактабларнинг физика дарсликларини келтириш мумкин. Хусусан, педагогика фанлари доктори Даврон Шодиев иштирокида тузилган 6-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчиларнинг физика дарсликлари бугунги кунда замон талабларига тўла жавоб бериши эътироф этилди. Ҳатто 9, 10, 11-синфларнинг физика китоблари табиий фанлар бўйича 1997 йилнинг энг яхши дарсликлари дея тан олинди. Мазкур дарсликлар Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Белоруссияда ҳам маҳаллий халқлар тилига таржима этилиб, амалда қўлланилаётгани олимнинг юксак иқтидоридан дарак дир.

Бундан ташқари юртимизда таълим мезонини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган.

Ана шу хизматлари учун Президентимиз Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Қори Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, профессор Даврон Шодиев «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*
*СУРАТДА: Даврон Шодиев.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

***Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг қарори билан Рихситилла Жўраевич Акромов Тошкент шаҳар ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари этиб тайинланди ва шу сабабдан у Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари котибиятининг мудири лавозимидан озод этилди.***

Рихситилла Жўраевич АКРОМОВ 1942 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий. Меҳнат фаолиятини 1958 йили 3-автокорхонада авточилангарликдан бошлаган, кейин «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида адабий ходим, туман ва вилоят ёшлар ташкилоти қўмитасида ташкилий ишлар бўлими ва шўъба мудири лавозимларида ишлаган, ҳарбий хизматда бўлган. 1997-1999 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамоатчилик барқарорлиги, миллатлараро муносабатлар ва дин масалалари бўйича ҳокимнинг маслаҳатчиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари котибияти мудири бўлган.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ЧОРАК ЯКУНЛАРИ ЧИҚАРИЛДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган кенгаш пойтахт саноат секторини ривожланишининг жорий йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланди.***

Кенгашни олиб борган Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атхамжон Миржалилов саноат-иктисодиёт мажмуида дастлабки уч ойда амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача тўхтаб ўтди.

Кенгашда нотурар жойлар бошқармаси, «Маҳаллий саноат» компанияси, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти, Ички ишлар бош бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг бошлиқлари ҳамда раислари биринчи чоракда қилинган ишлар хусусида ҳисобот бердилар ҳамда иккинчи чорак режалари хусусида тўхталдилар.

Маълумки, шаҳарнинг барқарор ҳаёти пойтахтдаги хўжалик субъектлари ва хизматларининг самарали ишларига боғлиқ. Масалан, шаҳар ободончилигини олиб кўрайлик. Ўтган вақт ичида бир қанча масалалар ижобий ҳал этилди, жумладан автотранспорт воситаларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ўз ечимини топди. Хусусан автомобиль тўхтайдиган жойлар аниқланди. Бунда келажакда бу ишни Европа андозаларига яқинлаштириш эътиборга олинди.

Кенгашда банкротлик, хўжалик субъектларининг ўз фаолияти натижалари учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Биринчи чоракда алоқа ва коммуникация тармоғида ҳам муайян ютуқлар кўзга ташланди. Жумладан, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти биринчи чоракда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича режани ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 50 фоиздан зиёдга адо этди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бошқа кўпгина хизматлари ҳам қариб ана шундай кўрсаткичларга эришди.

Кенгашда жорий йилнинг иккинчи чораги режалари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

*(Ўз мухбиримиз).*

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

*Саноат*

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЯДИ

*Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Baxt Bilol» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси жамоаси тадбиркорлик билан иш юритиб, халқимиз дастурхонига турли хилдаги ширинликлар ва музқаймоқ маҳсулотларини етказиб бермоқда.*

Фирма 1997 йилда иш бошлаган бўлиб, Италия давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Энг муҳими, бу линияларда ўзимизнинг хом ашёдан сифатли ва харидоргир маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Жамоамизда меҳнат қилаётган 30 нафар ишчи-хизматчи ўз вазифасини сидқидилдан бажараётгани боис ҳам маҳсулотларимиз элга манзур бўлмоқда, — дейди фирма бош директори Бахтиёр Бегматов. — Шу кунгача чиройли ва бежирим идишларда чиқараётган 20 турдаги музқаймоғимиз ва 7 хил ширинликларимиз хорижникидан асло қолишмайди. Шу боис ҳам республикамизнинг Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилояти савдо ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда.

Шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари билан ҳам маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоладик.

1999 йилда жамоада 600 минг дона музқаймоқ ва турли хил конфетлар ишлаб чиқарилиши режаланган. Айниқса, улар янги маҳсулот турларини яратиш йўлида ҳам изланаётганликлари қувонарлидир. Тадбиркорлар яқин кунларда шоколадли печенье ва торт тайёрлашга киришадилар.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

*Тадбирлар*

# ДОИМО ЭЪЗОЗДА

*Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида кексаларни эъзозлаш ва қадрлашга ҳар доим алоҳида эътибор қаратилади. Куни кеча туманнинг «Файзобод» маҳалласида ўтказилган ажойиб кеча ҳам бунинг яққол далилидир.*

«Бир пиёла чой устида» деб номланган ушбу тадбирга маҳалланинг кекса — саксон, тўқсон ва юз ёшли отахон ва онахонлари таклиф этилди. Қариялар карнай-сурнай садолари остида байрамона безалган Наврўз дастурхони тўридан ўрин олишди.

— Аҳил маҳалламизда ушбу тадбирни биз қутлуғ кунларда ўтказаётганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Собир ака Ҳамдалиев. — Биринчидан, юртимизда Наврўз шодиёналари ҳали ҳам давом этмоқда, яна маҳалламиздан Ҳаж сафарига кетган ватандошларимиз эсон-омон бағримизга қайтишди. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 Майни «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилганликлари маҳалламиз аҳлини ҳам ғоятда руҳлантирди. Шу боис ҳам ана шундай қутлуғ кун олдидан маҳалламиз аҳли кексаларимизни қадрлаб, уларга файзли дастурхон ёзишди.

Маҳаллада 17 миллат вакилларидан иборат 720 та хонадон аҳли аҳил ва иноқ яшашади. Буни бугунги тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Пиру бадавлат кексаларга Наврўз таомлари тортилди. Ўғил-қизлар ўзларининг дил сўзларини, ота-оналарига, бобо-бувиларига ҳурмат-эҳтиромларини дилрабо қўшиқ ва жозибали рақсларида тортиқ этишди. Барчага яхши кайфият бахш этган ушбу тадбирда катталар ҳурматда, кичиклар хизматда бўлишди. Энг асосийси, маҳалланинг бирдамлиги намоён бўлди.

*Феруза ЭГАМБЕРДИЕВА.*



*Юртимизда ҳунармандчиликка катта эътибор берилмоқда. Ушбу суратда темирчи уста Мардон Дадабоев ўзи ясаган жиҳозларини намойиш этмоқда.*

*Усмон Усмонов олган сурат.*

*Қурилиш*

# ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА

*Шайхонтоҳур туманидаги Қоратош мавзеси айни кунларда энг катта бунёдкорлик майдонига айланган. Ушбу мавзеда бўлган киши қурувчиларнинг қизғин меҳнатларининг гувоҳи бўлади. Мавзеда қад ростлаётган тўрт, беш ҳамда тўққиз қаватли турар жой бинолари кундан-кунга кўпайиб, юзлаб оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ҳисса бўлмоқда.*

Айниқса, бу ерда қурилаётган 4 та 9 қаватли турар жой бинолари ўзининг замонавийлиги, хонадон эгалари эҳтиёжларига мос равишда лойиҳаланганлиги билан ажралиб туради. Бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг сентябрь ойида бошланган бўлиб, уйларнинг қад ростлашида 2-уй-жой қуриш комбинатига қарашли 61-қурилиш бошқармаси жамоаси ғайрат кўрсатишмоқда. Уйлардан бири февраль ойининг охирларида фойдаланишга топширилади.

— Уйларнинг ҳар бири 36 хонадонга мўлжалланган бўлиб, хонадон соҳиблари учун барча қулайликлар мавжуд, — дейди ишбоши Тоҳир Бердиев. — 3 ва 4 хонадан иборат турар жой биносининг хоналари баланд ва кенг. Лойиҳачилар нафақат уй эгалари учун, балки қурувчиларга ҳам бирмунча қулайликлар яратишганлиги бизни ғайрат билан ишлашга ундамоқда. Айниқса, қурувчилардан бригадир Сергей Пак, пайвандчи Иван Полазов, тикловчи Баҳодир Жабборов лойиҳадаги ҳар бир ишни маромида бажаришмоқда.

Тўрт уйда ҳам бунёдкорлик ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Қурувчилар эса баҳор фаслида барча хонадон эгаларини хушнуд этиш ниятидадирлар.

**Шарофат БАҲРОМОВА.**

*Соғлом авлод учун*

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими пойтахтимиз туманларида аҳолининг кам таъминланган қисмини тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Куни кеча бундай тадбир Миробод туманидаги Сарикўл маҳалласида бошланди.*

# МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ТИББИЙ КЎРИКЛАР

— Тиббий кўрик учун шифокорлардан иборат махсус бригада тузилган бўлиб, ихтисослаштирилган амбулансда маҳаллаларга кириб борамиз, — дейди жамғарманинг шаҳар бўлими бош мутахассиси Лола Муслимова. — Бунда малакали мутахассислар кам таъминланган оилалардаги 1 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ҳамда 17 ёшдан 45 ёшгача бўлган туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигини текширишади. Махсус амбуланс керакли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Тиббий кўрик жараёнида мижозлар саломатлиги юзасидан олинган хулосалар жойлардаги тегишли тиббий муассасаларга топширилади. Тор мутахассисликлар бўйича текширувлар алоҳида ўтказилади.

**Мурод РАҲИМОВ.**

*Матбаа*

# МУҲИМ ТАДКИҚОТ

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концернида филология фанлари доктори, профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг «Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия» асари чоп этилди. Мазкур рисолада кўп асрли мумтоз адабиётимизда қўлланиб келинаётган шеърий санъатлар ва қофия илми ҳақида назарий маълумотлар берилган.*

Китоб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим «Шеърий санъатлар нафосати», иккинчиси — «Мумтоз қофия назокати» деб номланади.

Шоирларимизнинг ушбу санъатлардан фойдаланишдаги маҳоратлари мисоллар асосида тушунтириб берилган. Шунингдек, рисолада Шарқ адабиётида кенг тарқалган санъат турларидан бири — ташбиҳ («ўхшатиш») санъатига ҳам кенг ўрин берилган.

Китобдаги ҳусни таъмил санъати тўғрисида зикр этилган мулоҳазалар ҳам эътиборга сазовордир.

**Моҳира КАРИМОВА.**

*Куюнчаклик билан ёзилган*

# СОАТГА ТУГМА НЕГА КЕРАК?

*Ҳозирда республикамизга хорижий мамлакатлардаги турли фирмалар ўз маҳсулотларини олиб келмоқда. Бироқ ана шу келтирилаётган буюмларнинг барчаси ҳам халқимиз талабига тўла жавоб бера оладими?*

Айрим чет мамлакатлардан импорт деб олиб келинган, бозори чаққон электрон соатларнинг «тили»ни билавермаймиз. Аввалари Россиядан келтирилган соатларда ундан қандай фойдаланиш лозимлиги, қайси тугмача нимага тегишли эканлиги ҳақида маълумот берувчи қоғоз бўлар эди. Эндиликда эса айнан электрон соатлардаги тугмачалар кўпчилик олдидаги бир тилсимга ўхшайди. Қайси тугмачани бир маротаба, яна қай бирини бир неча маротаба ёки умуман босмаслик кераклигини билиб бўлмайди.

Ҳаттоки, тажрибали соатсозлар ҳам айрим ҳолларда елка қисадилар. Қарабсизки, фалон минг сўмга сотиб олинган буюм яроқсиз бўлади ва чиқитга ташлаб юборилади. Нафақат соат, балки унга сарфланган пулу кетказилган вақт ҳам чиқиндихонага кетди, деяверинг. Шундай экан, маҳсулот олиб келаётганлар ўзлари келтирган молларининг қандай ишлатилиши, ундан қай тарзда фойдаланиш даркорлиги хусусида харидорларга тушунтириш бера олсалар айни муддао бўлар эди.

**Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ.**

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

## СОЛИҲ НАВЖУВОН САРГУЗАШТИ

***Қадрли оқшомхонлар!***

***Бугундан эътиборингизга ҳавола этилаётган «Солиҳ навжувон саргузашти» ҳикояси ҳам «Искандарнома» тўпламидан олинган бўлиб, ўйлаймизки, бу ҳикоя ҳам сизларда бой таассурот қолдиради.***

Миср навоҳийсининг яқинида бир вилоят бўлиб, жуда ободон, одамлари ғам-аламдан ҳамиша озод эрдилар. Ул шаҳарда Муҳаммад Олим деган бир сахий киши бор эрди. Ул зот ўз қабиласининг улуғи ва бадавлат кишиси ҳамда саховат пешаси эрди. Унга парвардигори олам оқил, фозил, ҳушёр ва отасидан ҳам сахийроқ бир фарзандни лойиқ кўрди. Исми шарифини Муҳаммад Солиҳ деб атадилар. Уни Солиҳ бойвачча ёки Солиҳ навжувон ҳам дердилар. У кундузлари шикор айлаб, кечалари ҳар ерда мўйсафид ва юпунлар бўлса олиб келиб инъомлар бериб улардан панду насиҳатлар олур эрди. Кунлардин бир кун Солиҳ навжувон отга миниб саҳрони сайр қилмоқ учун борур эрди, баногоҳ узоқдан бир одамни шитоб билан елиб, югуриб келаётганини кўрди. Яқинроқ боргач кўрдиким қадди букилган, ҳассасини белига кўндаланг қўйган бир мўйсафиддур. Андоқ тез юрардурки гўё ўқдек. Солиҳ ҳайрон бўлиб мўйсафид йўлини тўсди, салом-аликдан сўнг дедикими, эй ота қадду қоматингизга боқсам юришга мадорингиз йўқ, аммо тез юришингиздан худди ёшларга ўхшайсиз. Бунчалик тез юрмоқни сабаби нимадур? Бу сўзинг тўғридур — деб жавоб берди мўйсафид. Бул кеча бир неча марта бир хил тушни кўрдим. Охирида бир овоз қулоғимга чалиндиким, эй фалончи, фалон вилоятга борғил, тушингни натижасини нақд кўрарсан деди. Уйғонсам саҳар вақти экан. Суюниб йўлга тушдим. Аммо мен қари кишидурман, ёш бўлганимда бошқа гап эрди. Энди мақсадим бирор ёшроқ одам топилса тушимни анга сотсам, тез-тез юриб боришимнинг сабаби шулдир. Солиҳ мўйсафидга қараб, эй ота бўлмаса тушингизни менга сотинг деди ва мўйсафидни уйга олиб бориб, айтган ва сўраган маблағни унга бериб, кўрган тушини баён қилмоғини сўради. Мўйсафид деди: Осмондан ой тушиб ёқамдин кириб енгимдан чиқди, уч маротаба қуёш тушиб ёқамдин кириб енгимдан чиқди, уч маротаба шундоғ бўлди. Солиҳ бойвачча дедиким, тушингизни менга сотдингизму? Мўйсафид сотдим деди, бойвачча олдим деди.

Мўйсафид Солиҳ бойваччага ул шаҳарга тезроқ боришни ва натижани қўлга киритишни маслаҳат бериб, ўз қишлоғига равона бўлди. Солиҳ навжувон таваккал қилиб, ул шаҳар томон йўлга тушди. Шаҳарга бевақт етиб борди, кечаси ниҳоятда қоронғу эрди. Бу шаҳарда қўшхонаси йўқ эрди. Кўприк ёнидан юриб келур эрди. Қазоро бир чордеворга кўзи тушди. Чордевор кўрғонга муттасил эрди. Солиҳ навжувон ўзига дедиким, бу кеча бул чордеворда тунайин, тонг отса ғайбдин не иш келса кўрарман деб, ул вайрона ичра кириб отни боғлаб, хуржинни бошига қўйиб ётди. Асло уйқуси келмади.

Алқисса ярим кеча бўлди, ташқаридан овоз келдиким, эй ётган киши буёққа чиққил деб. Солиҳ ҳайрон бўлди, яна ўшал овоз шиддат билан мунда тезроқ келгил деб чақирди. Солиҳ навжувон таваккални Оллоҳ таолога қилиб ташқарига чиқди. От устида бир кимса турарди. Солиҳга бир даста сарупо берди. Солиҳ ул либосларни кийди, яна шамшир ҳам берди, шамширни белига ҳамойил (осмоқ) қилди. Яна миниш учун бир от ҳам берди Солиҳ индамай отга миниб дарвоза томон юрди. Номаълум отлиқ дарвозабонга бир мушт зарб берди, у дарвозани очиб берди, ҳар икковлари тун отгунча йўлда давом этдилар. Қуёш чиқиб ёришгач, номаълум отлиқ Солиҳга қарадию дарҳол отини тўхтатиб, тикилиб қолди. Солиҳ ҳам отини тўхтатиб отлиққа разм солиб кўрдиким, бир маликаи нодирайи даврондур, ҳусну жамолда ҳеч кўз кўрмагандур. Бир-бирларига термулишиб қолдилар. Ниҳоят, парипайкар тилга кириб сўради. — Эй бегона йигит, кимдурсан? Қандай қилиб менга йўлиқдинг, отинг нимадур, қайси шаҳардансан? Солиҳ одоб бирлан дедиким, эй махлиқо, мен фалон шаҳардиндурман, исмимни Солиҳ навжувон дерлар. Бул шаҳарға азбарои тижорат келиб эрдим. Кун кеч бўлиб ўзимга дедимки, бу хароба чордеворда бул кечани ўтказай, тонг отса қўшхонага борурман деб, отимни боғлаб, хуржинни бошимга қўйиб ётдим, уйқум келмади, ўрнимдан туриб ўлтириб эрдим, ташқаридин овоз келдиким эй ётган киши буён чиққил деб, ўрнимдан туриб чиқдим. От, тўн ва шамшир бериб отга минишни буюрдингиз. Отга миниб то бу ергача етдим, энди кун ёришиб кўрдимки сиздурсиз. Отим бирлан хуржиним ул вайронада қолди. Эндиликда ҳайрондурманким бахтим ёр бўлибдурму ёки фалокат босиб бир ерга еткурибдурму, билмасман деб, дуо ва саногa тил очди. Парипайкар бир нафар ҳайронликда қолиб, яна тилга кириб дедиким, эй Солиҳ навжувон мен бул шаҳарнинг подшоҳининг ёлғиз қизидурман, исмимни Фарангиз бону дерлар. Мен туғилгунга қадар шоҳнинг фарзанди йўқ эркан. Отам бир куни ўз вазири бирлан аҳду паймон қилибдуркимки, агар ҳар иккимизга оллоҳ таоло фарзанд ато айласа, бири ўғил, бири қиз бўлса жуфт бўлғай. Агар ҳар иккиси қиз бўлса дугона бўлғай ва агар ҳар иккиси ўғил бўлса биродар бўлғай деб. Ҳазрат парвардигори олам вазирга ўғил, шоҳга мени карам айлабдур. Биз то етти-саккиз ёшгача бир ерда ўсдик. Аммо отам мени вазирзодадан ажратиб бошқа махсус қасрда парвариш қилишга амр берди. Орадан етти-саккиз йил ўтди. Биз бир-биримизни кўра олмадик. Мени вазирзодага бермоққа отамнинг ҳоҳиши бўлмади. Вазирзода отамнинг ниятини билгач, менга хат юборибдурким эй сарварим, мана неча йилдурким фироқ ўтида сўзона ва иштиёқ дарёсида ғарқдурман. Шоҳ ўз аҳду паймонларини фарвомуш айладилар деб, шикасталиклар бирлан ожизликлар кўрсатибдур. Анча раҳм айлаб мен ҳам бир хат ёздимким, шаҳар ичра бир ерда бўлмоғимиз имкондан ташқаридур. Бинобарин, шаҳар кўрғонига муттасил фалон чордевор бордур, фалон куни ярим кечада ул ерда турғил, мен бориб сени топиб бир ерга олиб борурман ва ўшал ерда истиқомат қилурмиз деб, ваъда бериб эрдим. Қоронғуда сени ўшал вазирзода деб гумон қилиб, сўзлашмасдан олиб келибман, бу ишга ҳайратдадурман деди. Солиҳ навжувон ҳам булбули гўёдек бўлиб дедиким, эй хўблиқ гулшанининг райҳони ва ушшоқ аҳли вужудининг жони, тақдир ҳоҳиши ул вазирзодага бўлганда эрди подшоҳ ҳам аҳдларини фаромуш қилмас эрдилар. Вазирзода булҳавасларидин эркан, шоҳга ҳам мақбул таъб бўлмабдур. Агар вазирзода булҳавасларидин бўлмаса эрди, ваъдага вафо айлар эрди. Ҳазрат худованди олам мени бул ҳикматлар бирла еткурган бўлса ажаб эрмас. Энди тақдирнинг ишларига тан бермоқ лозимдур. Агар ул вазирзода бўлса фақир хизматкорзодадур. Инчунин каминани қулликка муносиб кўрсалар ҳам жоиздур, ва агар рондайи даргоҳ ва висол айласалар ҳам сазовордурлар, зеро ўзлари соҳиби ихтиёрдурлар деб, ширин гуфторликларни ўртага солди. Малика бир зум хомуш бўлиб сўнгра дедиким, эй Солиҳ навжувон қазою-қадарнинг ҳукмига рози бўлдим, бу йўлдан ўзга йўлга қадам қўймағойман. Энди ҳушёр бўлиб йўл бошлагил, бирор жойга бориб ором олайлик, вақт ўтмасин деди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

**(Давоми бор).**



*Ойижон, туғилган кунингиз билан.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Ҳикматнома*

## ҲАЁТ ҚАДРИНИ БИЛГАНДА ЭДИ...

● Агар майхўрлик доимий машғулотга айланса, ундай кишилардан дунёвий ишларни кутмаслик керак. Чунки маст бўлиб юрганлар дунё ишларининг ҳеч бирига ярамайди.

**Аҳмад ДОНИШ.**

*● Гар ичса киши май, шалоқ маст бўлар.*
*Сири фош бўлар, иши ҳам суст бўлар.*
*Билимли май ичса, билимсиз бўлар.*
*Билимсиз май ичса, тубан паст бўлар.*

**Юсуф Хос ҲОЖИБ.**

*● Оқилга келишмас оқил ичмас май,*
*Андуҳу фирибни емайди билмай.*
*Бодадан хирадир эс-ҳуш ва димоғ,*
*Шуълаcи сўнади ўчади чироқ,*
*Бода ҳар бир бошга кириб келган дам*
*Ақл ундай бошдан узади қадам.*

**Камолиддин БИНОИЙ.**

● Май косаси ичида жилваланиб турган қуёш алдамчи қуёшдир. У сенинг оғзингга ботишидан эҳтиёт бўл.

● Май дўстларни қойиш, улар билан жанжаллашиш, ҳамсуҳбатларга озор бериш ва яқин кишилардан жудолашишга сабаб бўлади.

● Майхўр ҳаёт қадрини билганда эди, майни дўстларга эмас, душманларга ичирган бўларди.

**Абу Аъло ал-МААРРИЙ.**

*● Ҳору хасни кўрсатур тупроқда гўё шуъла — нур*
*Ичкилик — аҳли ҳавасни оқибат расво қилур.*

**Абдуқодир БЕДИЛ.**

● Одамлар душманга оғизларидан йўл берадилар ва бу иблис уларнинг мияларини ўғирлаб кетади.

**ШЕКСПИР.**

● Май ичувчилар сувга бораётган подалардек оғизларидан нима чиққанини билмай бақиришади.

● Ичкилик ичиб, ақлини бир нафас йўқотган киши оғир мусибатга учраб ўлганлар қаторида бўлади.

● Ичувчилар оз фурсатли «лаззат»ни кўзлаб, кетидан келадиган фалокатга эътиборсиз қарайдилар.

● Мен ўз ҳаётим билан онт ичиб айтаманки, май шишаларини ушлаган қўллардан, темир-терсак билан шуғулланувчи қўллар покизадир.

**ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ.**

**Тўпловчи: кекса педагог Фахриддин НУРИДДИНОВ.**

*Кино*

## «БАХТ ГУЛЛАРИ»

***«Ўзбектелефильм» студиясида «Меҳробдан чаён», «Чархпалак» сингари қатор фильмлар суратга олиниб, халқимизга манзур бўлаётгани сир эмас.***

Мазкур студиянинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, унинг ижодкорлари томонидан яратилиб, экран юзини кўраётган фильмлар ўз томошабинларини топмоқда. «Ўзбектелефильм» студиясини ташкил этишдан мақсад — телевизор экранларини ўзимизнинг миллий фильмларимиз билан бойитишдир.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов: «Мен киночи бўлсам «Бахтиёрлик лаҳзаси» деган фильм яратган бўлардим. Бу фильм бахт лаҳзалари мажмуасидан иборат бўлар эди», деган эдилар. Дарҳақиқат, инсон борки, бахтга интилади.

«Бахт гуллари» эртак-фильми қувноқ воқеалар, қизиқарли саргузаштлардан иборат. Фильмда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кескин кураш акс этиб, унинг қаҳрамонлари дунёни бахт гулларига буркашга интиладилар, ёвуз кучлар эса бу гулларни йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Фильмни томоша қилар экансиз, ундаги ёвуз кучларга нисбатан ғазаб ва нафрат ҳислари уйғонади. Гўё муаллиф атрофга диққат билан назар солинг, эзгулик, яхшилик бор жойда ёвузлик ҳам бўлиши мумкин, одобли, зукко, билимдон бўлинг, деяётгандек туюлади.

— Фильм Жиззах вилоятининг Зомин тоғларида суратга олинган, — дейди «Ўзбектелефильм» студияси Бош директори Мирзамурод Олимов. — Фильмнинг яна бир яхши хусусияти шундан иборатки, юртимизнинг гўзал гўшаларини кўз-кўз этади.

Маълумки, болалар сохталикни ёқтирмайдилар. Шунинг учун ҳам уларни ишонтира билиш, ўша оламга етаклаш керак. Ана шундагина уларнинг ҳаракатлари табиий чиқади.

Сценарий муаллифи Раъно Солиҳова, режиссёр Мунид Зокиров, тасвирчи Талъат Мансуров. Фильмдаги бош ролларни Мелис Афзалов, Ҳакима Отахонова, Нилуфар Ҳамидова, Дилбар Абдуллазизова, Ражаб Адашев, Илёс Қодиров, Бобур Шукуровлар ижро этганлар.

*Гўзал ХОЛИҚОВА.*

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Диллашув

## ЛАПАР БОЛАЛИГИМДАН ЁҚАДИ

*Санъаткорларни ноёб қалбли инсонлар дейишади. Бунда нечоғли ҳақиқат борлигини сиз Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Носирова каби улуғ санъаткорларимизнинг серқирра ва мазмунли ижод йўлларига бир назар ташлаб билиб олишингиз мумкин.*

Санъатда ўзига хос йўлдан бораётган бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра ҚОЗИЕВА билан бўлган мулоқотимиз унинг қўшиқ айтишни қачон бошлаганидан бошланди.

**— Санъат йўли нурли, аммо жуда машаққатли йўл. Бу сўқмоқлардан ўз йўлини топиш санъаткордан жуда кўп меҳнат, чидам, сабр-матонат ва юксак ирода талаб қилади. Сиз камолга етган оилада санъатга муносабат қандай эди?**

— Қўшиқ айтишни бошлаганимда 2-синф ўқувчиси эдим. Ўша кезларда опам Гулнора мусиқа мактабининг рубоб синфига қатнарди. Унга қизиқиб мен ҳам чангга қатнаша бошладим. Биринчи борган куним бўйим пастлигини кўрган ўқитувчи Зикир Умаров: «Бу қизнинг бўйи чангга етмайди-ку, қандай қилиб ўргатади?» дедилар. Опам кулиб қўйдилару, мени курсига ўтказиб қўйдилар. Шу-шу ўқиб кетдим. Нима бўлди-ю тўртинчи йили имтиҳон топшираётганимда қўлимдан чанг чаладиган таёқчам тушиб кетди. Шунда устозим Зикир ака менга жуда қаттиқ танбеҳ бердилар. Шаддод, ўжар, оиламизнинг эрка қизи бўлганлигим учунми жуда хафа бўлдиму қайта ўқишга бормадим. Лекин қўшиқ айтмасдан юрмадим, мактабда ўтказилган тадбирларнинг ҳаммасида ўз қўшиқларимни куйлардим. Мактабни тамомлагач, Тошкент Давлат Маданият институтига кириб ўқидим. Рубоб чалишни яхши ўрганган Гулнора опам ҳозир акушер-гинеколог бўлиб ишлайди. У катта саҳнадан туриб қўшиқ айтмаган бўлса-да, ширали овози билан оилавий давраларда қўшиқ айтиб туради.

**— Катта саҳнада айтган биринчи қўшиғингизни эслайсизми?**

— 1979 йилда — «Биз Сурхондарёданмиз» телевизион танловида қатнашиб, тожикча «Аё духтар» лапарини айтиб лауреат бўлганман. Кейин «Ўзбекистон куйлагай» якуний концертида эронча «Ман омадам» қўшиғини ижро этдим.

**— Сиз дастлаб қўшиқ шинавандалари орасида лапарлар айтиб танилгансиз. Ҳатто «Лолача» қўшиғингиз радио тўлқинларида янграйвериб, «Ойнаи жаҳон» орқали кўрсатилаверганидан каттаю кичикка ёд бўлиб кетган. Нега лапарлар жанрини танлаган эдингиз?**



— Лапар — менга ёшлигимдан ёқади. Чунки унда қўшиқ сўзлари қўл ҳаракатлари ҳамда юздаги имо-ишора билан томошабинга етказиб берилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева ижро этган лапарларни «Ойнаи жаҳон» ёки радиода эшитиб қолсам бор вужудим қулоққа айланиб тинглардим, ҳаттоки бирга қўшилиб куйлар ҳам эдим. Балки лапар қўшиқларига қизиқишим ўша лаҳзалардан бошланган бўлса ажаб эмас.

**— Бугунги кунга келиб эстрада жанрида куйлаётганингизни қандай изоҳлайсиз?**

— «Бойсун» ансамбли билан бирга жуда кўп ижодий сафарларда бўлганман. Аммо ўша пайтларда ҳам эстрада жанрида ижод қилар эдим. Халқ йўлидаги фольклор қўшиқларини эстрада йўлига солиб ижро этардим. Ҳозир бу ерда профессионал эстрада жанрида қўшиқ айтиш йўлида ёш бастакор Рустам Маҳмудов билан бирга ишлаётирман. Яқин кунларда «Бойсун қизи» деб номланган янги қўшиқлар альбомини мухлисларим эътиборига ҳавола қиламан.

**— Сайёрахон, бу турфа оламда қўшиқ қанчалар кўп бўлса, қўшиқчи ундан-да сероб. Лекин ҳамма ўз таъбига, хоҳишига қараб тинглайди. Сиз кимнинг қўшиқларини кўпроқ тинглайсиз?**

— Менимча одамлар кайфиятларига қараб қўшиқ тинглайдилар. Ўзим кўпроқ эрон хонандаси Гугуш қўшиқларини ёқтираман.

**— Сиз кўп хорижий юртларда бўлгансиз. Яқиндагина Франциядан, қўшиқ фестивалидан қайтдингиз. Сизнингча, французлар қайси қўшиқларингизни севиб қолишди?**

— Биз Францияда кўпроқ ўз миллий қўшиқларимизни ижро этдик. Улар «Ҳа дурси, дурси», «Икки дил», «Лолача» қўшиқларини севиб тингладилар.

**— Айни кунда қандай ишлар билан бандсиз?**

— «Алпомиш» достони тўйи тантаналарида ижро этиш учун янги қўшиқлар устида изланмоқдаман.

Суҳбатдош Маъпура НАБИЕВА.

Кўргазмалар

## ТАСВИРЛАРДА — ҚУЁШ НУРИ

*Баҳорнинг гўзал, фусункор жамоли ҳар қандай инсоннинг дилида шукуҳ ва кўтаринки кайфият уйғотиши табиий ҳол. Айниқса, ижодкорлар кўклам, илиқлик, орзу-умидлар фаслини интиқлик билан кутадилар. Ўз асарларида нафосатга тўлиқ қайтарилмас оний лаҳзаларни бадиий бўёқлар воситасида муҳрлашга интиладилар.*

Йиллар мобайнида яратилган ижод намуналарган тасвирий санъат ихлосмандларини баҳраманд этиш ҳам кўпинча баҳор кезларида амалга ошиши бежиз эмас. Буни Наврўз байрами арафасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети суратлар галереясида Аёллар йилига бағишлаб ташкил этилган мусаввира Нодира Орипованинг тасвирий санъат асарлари кўргазмасини қизиқиш билан томоша қилаётганлар тасдиқламоқдалар.

Каттақўрғон шаҳрида туғилган, аввал Беньков номли Республика рассомлик билим юртида, сўнг Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таълим олган, 13 йилдан буён бадиий ижод билан мунтазам шуғулланиб келаётган мусаввира ҳозирги пайтда Тошкент Давлат педагогика университетининг чизмачилик ва амалий санъат факультетида талабаларга устозлик қилмоқда. Нодира Орипова мўйқаламига мансуб рангтасвир асарларнинг аксарияти портрет, манзара, натюрморт жанрларига оид бўлиб, уларнинг барчаси мойбўёқда яратилган. Айниқса, «Дилбар», «Жамалаксоч қиз», «Санобар», «Қашқадарёлик аёл», «Лола портрети», «Автопортрет», «Қишнинг сўнгги куни», «Баҳор», «Март», «Олча гуллаганда», «Сурхондарё манзаралари», «Анорлар», «Оқ атиргуллар», «Миллий натюрморт» каби ижодининг сара намуналари мусаввира салоҳияти ва маҳорат даражасини, ўзига хос услубини намоён этаётганлиги билан эътиборлидир. Мусаввира портретларда инсон шахси, ташқи кўриниши батафсилликлари, ички дунёси, ҳиссиётлари, руҳий ҳолатлари хусусиятларини, манзараларда эса табиат муҳитининг тез ўзгарувчан лаҳзаларини, натюрмортларда бўлса саховатли юртимиз анвойи неъматлари, турфа, сархил гуллар тасвирини ёркин товланувчи ранглар жилоси, аниқ чизгилар воситасида акс эттирган. Нодира Орипова ижодида «Самарқанд туркуми» ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. «Бибихоним», «Шоҳизинда», «Регистон майдони» каби асарлар бунинг тасдиғидир.

Кўргазмага тақдим этилган 34 та асар мусаввиранинг сўнгги 10 йил мобайнидаги ижодий фаолияти қай даражада ривож топганини ўз ҳамкасблари, талабалар ва бошқа меҳмон томошабинлар кўз ўнгида намоён этмоқда.

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.**

Антиқа гаплар

## МИТТИ ЮРАК ҲАҚИДА

● «Юрагимни юлсалар ҳам майли-майли!»
**(Бир шеърдан).**

● «Кўксимдаги юрак эмас, бир чўғ экан...»
**(Қўшиқдан).**

● «Унинг нигоҳи ўт ёқади юрагимга».
**(Бир ошиқнинг дегани).**

● «Висол онларига етолмасдан юрагимни қийма-қиймалаб, сихга тортганимда ўтда сел бўлиб куйиб кетдим».
**(Бир йигитнинг гапидан).**

● «Кипригингнинг соясида юрагим таскин топди».
**(Бир қизнинг дегани).**

● «Юлдузнинг шам чироғи бормикин,
Кўринг-чи юрагимни доғи бормикин?!»
**(Қўшиқдан).**

● «Эй хуморим, юрагимни ола кел!»
**(Бир кишининг дегани).**

● «Ёр келади, ёр келади-ё юрагини кўлтиқлаб».
**(Қўшиқдан).**

● «Гўзалим, қандай қилиб юрагимга суратингни чизайин».
**(Сураткаш йигитнинг қизга дегани).**

● «Юрагингиз тубида ўзга юлдуз ёниб туришини билмабман, сезмабман».
**(Бир кишининг гапидан).**

● «Кўрдимки, дарз кетиб бўлди ул юрак,
Қулади кўксимда тик ўсган терак».
**(Назм дафтаридан).**

● «Кипригингла кипригимнинг жангги юрагимда қолур».
**(Қўшиқдан).**

● «Сизни бир кун кўрмасам, юрагим ғарқ пишган анжирдек эзилади».
**(Боғбоннинг дегани).**

Мирзамир **МИРЗАШАРИПОВ.**



*Бугун сиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган Султонмурод Тўлаганнинг илк шеърлари матбуотда эълон қилинганига ҳам 30 йилдан ошди. Унинг шеърлари ҳофизлар талқинида қўшиқларга айланган.*

*Султонмурод доимо яхшиликка, ҳалолликка, покизаликка ташна. Шу сабабдан атрофидагиларда ҳам ана шундай олижаноб фазилатларни кўргиси келади. Зеро, шеърлари ҳам ана шундай инсонийлик туйғуларига йўғрилган.*

Назм

### ЎЗБЕКМИЗ

*Қадимдан меҳмондўст сахий ўзбекмиз,*
*Миллатин сўрамай бошин силаган.*
*Меҳмонин бошига ёстуғин қўйиб,*
*Тўнини устида ўзи ухлаган.*

*Миришкор деҳқон у, қўли гул боғбон,*
*Таёғин суқса ҳас униб гуллаган.*
*Ўз ризқин ярмини бировга бериб,*
*Камтарин, бир четда тишин ковлаган.*

*Шунинг учун бу элим доим омондир,*
*Етиму есирни ювиб тараган.*
*Ўзига рақибу душманига ҳам,*
*Худодан ўлиммас умр тилаган.*

### ИЛТИЖО ҚИЛДИМ

*Оллоҳим, мен сенга илтижо қилдим,*
*Барчани бехатар етказ манзилга.*
*Бизга чала қолсин бахт ҳам, омад ҳам,*
*Аммо мукаммал қил ҳар ўғил-қизга.*

*Эй, дунё, мен сенга илтижо қилдим,*
*Етимлар бўлмасин, йиғламасин зор,*
*Тан-жони соғ бўлсин инсонларнинг,*
*Эзилиб тўшакда ётмасин бемор.*

*Эй, инсон, мен сенга илтижо қилдим,*
*Инсофу диёнат бўлсин йўлдошинг.*
*Омонат дунёда яшасанг ҳалол,*
*Машҳар кунида ҳам эгилмас бошинг.*

*Эй, фарзанд, мен сенга умр тиладим,*
*Виждонинг сотмагин амалга, пулга,*
*Отанг Султон бўлса, сен ҳам Султон бўл,*
*Номардлар қўлида айланма қулга.*

Султонмурод ТЎЛАГАН.

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

## Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

• ҲИКОЯТ. Бир дўстим олдимга келиб, деди: «Менга насиҳат сўзларидан айтиб, бир маслаҳат берсанг!» Мен унга дедим: «Эй рафиқ, менинг ҳам дилимда шу нарсага етмоқ ранжи, насиҳат ганжини топмоқ ранжи бор!»

Мисра:

***Айтгил, менинг учун қилсин насиҳат!***

Лекин ҳакимларга тақлид қилиб, бир неча оғиз сўз айтишим мумкин. Шояд ўша сўзлар сенга таъсир қилса:

***Амал қилмас эсанг айтган сўзингга,***
***Қабул қилмас эса ўзга ажаб йўқ!***

«Улар қайси сўзлар?» — деб сўради у. «Кам егин, — дедим унга, токи ўзинг ранж топмагайсан. Кам ухла, то идрокнинг маънолар ганжини фаҳмлашдан ожиз бўлмагай. Бошқа томондан эса кам емоқ кам ухлашга сабаб бўлади. Кам емоқ яна кам демоққа боғлиқдурким, кам ейилган вақтда кишида гапириш учун қудрат ва ҳавас кам бўлади».

Қитъа:

***Душманингдир нафси амморанг,***
***Кучайишга йўл қўйма асло!***
***Ҳаддан ортиқ оч қолдирма ҳам,***
***Тўйдирмагин ортиқча аммо!***

**Ҳаким ҚООНИЙ.**

• ҲИКМАТ: Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилаётган ваъзу насиҳатининг остида бирор ғарази бўлмаса эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

***Яхши камон бўлса-ю, камонгар уста бўлса,***
***Ўқи нишонга тегмай қолмас зинҳор кишининг.***

**Маждиддин ҲАВОФИЙ.**

• Душман билмасин ва эшитмасин деб, яшириб юрган сиринг бўлса, бу сирни ҳар кимга айтма. Одам ва олам бир хил турмайди, дўст деб юрганинг бир куни душманга айланиб қолиши мумкин. Бундан ташқари қўлингдан келмаган ишни қиламан деб бировга ваъда берма, хайрли ишни амалга оширишга шошил!

• Бўзўргмеҳрдан сўрадилар:

— Нега сен қўлингдан кетган нарсага хафа бўлмайсан?

У деди:

— Қўлдан кетган нарсани хафагарчилик билан топиб бўлмайди, азиз умрни эса мол-дунё шодлиги билан беҳуда ўтказиб бўлмайди. Шундай экан, нега энди фойдасиз нарса учун ғам чекай, менга бир умр вафо қилмайдиган нарса билан қувонай?!

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

***Неъматим ошсин десанг уст-устига,***
***Нон увоғин сочма оёқ остига!***
***Бўлмасин оламда ризқим кам десанг,***
***Ваъсиятни кам қилғил ғам есанг.***
***Бўлса танбаллик кишининг пешаси.***
***Теккай оёғина хорлик тешаси!***

**Фаридиддин АТТОР.**

• Ялқовлик туфайли ишламай камбағаллашган кишини барча ёмон кўради, дўстлари ҳам ундан узоқлашади, болалари ҳам менсимай қўяди, камбағаллик барча балоларнинг бошланишидир.

• Эринчоқлик ва ялқовлик кишини яхши ишлар қилишдан қайтаради, ғайратни йўқотади, касб-кор билан шуғулланишдан қолдиради. Баъзи дангаса кишилар ғайрат қилиш ва ҳаракатни кучайтириш ўрнига оғир кунга тушиб қолганда қўлни қовуштириб айбни тақдирга тўнкайдилар.

• Ҳакимлар тайинлаб айтадиларки, ялқов кишилар билан улфат бўлишдан қочиш зарур. Чунки улардан маслаҳат сўралса улар ўзларининг ялқовлик нуқтаи назаридан маслаҳат берадилар. Улар бўладиган ишни ҳам ўзларининг қувват ва идроки тақозоси билан бўлмайдиганга чиқарадилар, кишини ғайрат кўчасидан четга чиқарадилар.

***«Фавокиҳ ал-Жуласо» дан.***

• Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш қандай яшаш? — деб сўради.

— Саломат бўлиш ва хотиржам яшаш энг яхши яшаш! — деб жавоб берди у ва давом этиб деди:

— Аммо яхши ном қолдириш абадий яшашдир!

***«Жовидоний хирад» дан.***

**Форс, араб тилларидан**
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**

*Суратли ахборот*

# «COCA-COLA» БАҲОР БАЙРАМИ»ДА

## тошкентлик Нодир Мусаев «Нексия» ютди

***Ўтган шанба куни пойтахтимиздаги Сайилгоҳ кўчасида кўпчилик тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари диққатини тортадиган воқеа содир бўлди.***

Бу ерда ўтказилган катта концерт пайтида уч нафар ҳамюртимизга «Нексия» автомобилларининг калитлари тантанали равишда топширилди. Улар «Coca-Cola» баҳор байрами» лотереясида қатнашиб, ана шундай қувончли дамларни бошдан кечиришди.

Гарчи бундай лотереялар ўтказиш бизда энди расмга кираётган бўлсада, унда иштирок этаётганлар жуда ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Бу лотереянинг кенг тарқалганлигининг боиси шундаки, унда қатнашиш оддий бўлиб, ҳамма иштирок этаверади.

«Нексия» автомашинасини ютиб олган тошкентлик Нодир Мусаевнинг қувончининг чеки йўқ эди. Яна икки ютуқ эгаси Бухоро ва Андижондан шаҳримизга ташриф буюрганлар эди.

«Coca-Cola» компанияси заҳирасида яна ютуққа қўйилган «Нексия» машиналари ва 50 та мусиқий марказлар ўз эгаларини кутмоқда.

*СУРАТДА: катта ютуққа эришган юртдошларимиздан бири.*

*Валерий Харитонов олган сурат.*



*Спорт*

# ЁШЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ

***Шаҳримиздаги «Жар» спорт марказида таэквандо бўйича ёшлар ўртасида биринчи Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан икки мингдан зиёд таэквандочилар қатнашди.***

Мазкур мусобақа бошқаларидан шуниси билан фарқ қилдики, унда қатнашганлар Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини ёддан билишлари, яъни ўз юртининг ватанпарварлари бўлишлари шарт эди.

Қизғин беллашувлардан кейин умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти биринчи, Сирдарё вилояти иккинчи, Тошкент шаҳри таэквандо усталари учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолибларга чемпионатнинг бош ҳомийси «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шу йилнинг май ойларида таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилиши мўлжалланмоқда. Ушбу мусобақалар эса мазкур чемпионат олдидан ёшларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

*Турфа олам*

# «ЙЎЛБАРС» ЛОЙИҲАСИ

Ҳиндистонда бундан бир неча йиллар муқаддам йўлбарсларни қўриқлаш учун чиқарилган қонуннинг ҳаётга жорий этилиши ўз самарасини кўрсатди. Йўлбарслар сони йилдан-йилга ошиб борди. Яқинда ўтказилган ҳисоб-китоблар ҳозир мамлакатда деярли тўрт мингга яқин йўлбарс борлигини кўрсатди. Ваҳоланки, бундан бир неча йил муқаддам мамлакатда — ҳаммаси бўлиб 2 мингга яқин йўлбарс бор эди. Мингдан ортиқ ўрмон шоҳлари эса 15 та махсус қўриқхоналарда яшашарди. Ҳиндистонда «Йўлбарс» лойиҳасининг жорий этилиши мамлакатда табиатни қўриқлаш бўйича олиб борилаётган тадбирларни зудлик билан амалга ошириш ишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

# ҒАЛАТИ САВДО

«Бошпана топишга пулингиз етмаса, юлдуз сотиб олинглар». — Калифорния штатидаги бир компаниянинг шиори худди ана шундай. Осмон ёритқичлари билан савдо қилувчи бу ташкилот жуда сахий — бутун бошли бир юлдузни бор-йўғи 25 долларга сотиб юборди. Сотишга мўлжалланган юлдузлар — 250 мингга яқин ёритгич ҳисобга олинган рўйхатдан бошлаб олинади. Астрономлар уларни шунчаки рақамлаб чиқишган, аммо ном қўйишмаган. Тўғри, савдога чиқарилган юлдузларнинг бирontaсини ҳам қуролланмаган кўз билан кўриб бўлмайди.

Харидорга унинг юлдузи қаердалиги кўрсатилган, осмон харитаси ва савдо шаҳодатномаси берилади. Юлдуз сотиб олган одам унга ўзи хоҳлаган номни қўйиши мумкин. Бу ном махсус каталогда қайд этилади. Хуллас, компания савдодан хурсанд. Харидор ҳам мамнун. У ерда бошпанасиз бўлса ҳам, осмонда ўз шахсий юлдузига эга.

# МИТТИ САМОЛЁТ

Англиянинг «Эйр плейн» компанияси ҳаво билан шишириладиган «Феникс» самолётини кўплаб ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Каттароқ сумкага жойланган бу учиш аппаратини енгил автомашинанинг юкхонасида бемалол олиб юрса бўлади. Самолётни учишга тайёрлаш учун ҳаво билан шиширилганда қанотларининг узунлиги 30 метрга етади.

«Феникс» велосипедникига ўхшаш педал қурилмаси ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Бу самолёт Англиянинг спорт моллари билан савдо қилувчи дўконларидан ўрин олабошлади.

# ШОШИБ ҚОЛИШДИ

Франциянинг унча катта бўлмаган Ланан — Веркор шаҳри ўт ўчирувчилари ўтга қарши курашда доимо ғолиб чиқишарди. Лекин улар ўзлари жойлашган бинода ўт чиққанда бутунлай иложсиз қолдилар.

Тўсатдан бошланган ёнғин ўт ўчирувчиларни шоширив қўйди. Натижада барча ўт ўчириш воситалари ва техникаси, тўртта автомашина бутунлай ёниб кетди.

**Шаҳноза ИНОҒОМОВА**
**тайёрлаган.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.